

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1093-ҳадис

1093/2454 – عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ أَخْذَ مِنَ الْأَرْضِ شَيْئًا بِعَيْرٍ حَقِّهِ، هُسْفَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِلَى سَبْعِ أَرْضِينَ».

1093.2454. Солим отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким озгина ерни ҳақсиз равиша олса, Киёмат куни етти қават ерга юттирилади»**, дедилар».

Абу Абдуллоҳ айтади: «Бу ҳадис Ибн Муборакнинг Хурросондаги ёзувларида йўқ. У буни уларга ёздирган».\*

\* Абдуллоҳ ибн Муборак ушбу ҳадиснинг ровийларидан бўлиб, имом Бухорийнинг устозларидан эди. У ўз даврида тенги йўқ муҳаддислардан саналган. У киши асли хурросонлик бўлиб, шу ерда кишиларга ҳадис айтиб берар, улар эса ёзиб олишар эди. Имом Бухорийнинг айтишича, ушбу ҳадис Ибн Муборакнинг Хурросонда ёздирган ҳадислари ичida йўқ экан, буни у Басрадалик чоғида айтиб берган экан. Бу «Саҳиҳул-Бухорий»даги нодир маълумотлардан ҳисобланади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



